

АКБАРОВА Шахноза Хикматуллаевна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Чет тиллари кафедраси катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)
uzbeknoza@gmail.com

ТАЪЛИМИЙ ЎЙИН ТУРЛАРИДАН МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ФОЙДАЛАНИШ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ РАЗВИВАЮЩИХ ИГР В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ ДОШКОЛЬНИКОВ

USE OF EDUCATIONAL GAMES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO PRESCHOOL CHILDREN

Аннотация: Мақолада мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатишда ўйин фаолиятининг ўрни ва болаларнинг психологик ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улар билан олиб бориладиган таълимий-тарбиявий жараёнларни турли ўйинлар воситасида ташкил этиши самарали бўлиши ва ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланиши тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: дидактик, таълимий, интегратив, вазиятли, жамоавий, мусобақали, ритмли-музикавий, бадиий, саҳналаштирилган, тасвирий, муаммоли-вазиятли, сўзли-иждодий ўйин турлари.

Аннотация: В статье рассматривается о развитии познавательной деятельности у ребенка на основе игровой деятельности и роль игровой деятельности в обучении детей дошкольного возраста лексике английского языка, и эффективность организации с ними образовательных процессов с помощью различных игр с учетом психологических возрастных особенностей детей.

Ключевые слова: дидактический, обучающий, интегративный, ситуационно, командный, соревновательный, ритмико-музыкальный, художественный, постановочный, образный, проблемно-ситуативный, словесно-творческий видов игр.

Annotation: The article discusses the role of playing activities in teaching English vocabulary to

preschool children and the effectiveness of organizing educational processes with them through various games, based on the psychological age characteristics of children.

Key words: didactic, educational, integrative, situational, teamwork, competitive, rhythmic-musical, artistic, staged pictorial, problem-situational, verbal-creative types of games.

КИРИШ

Ҳозирги замон мактабгача таълим методикаси олдида болаларга чет тилларини ўргатиш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Бу соҳада иш олиб бораётган методист-олимларнинг изланишларида хорижий тилга ўргатишнинг энг асосий усули ўйин эканлиги таъкидланди. Дидактик-таълимий ўйинлар болаларнинг теварак-атроф тўғрисидаги билимларини, жумлалар тузиш, сўз шаклини ўзгартириш, ҳикоя тузиш кабиларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланади, бола қанча яхши ўйнаса, мактабда шунчалик яхши ўқийди. Харакатли мусиқа, саҳналаштирилган ўйинлар болаларда ифодали, мазмунли ва оҳангдор нутқни ривожлантиради. Шу боис мактабгача таълим ташкилотларида дидактик ўйинлар таълим-тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дидактик ўйинлар айниқса мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва имкониятларига нисбатан мос келадиган таълим бериш методидир. Улар пассив болаларни фаоллаштириш, жамоа таркибида турли вазифаларни дадил бажаришларида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Дидактик ўйинлар болаларда ўз манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйғунлаштири олиш, бир-бирига кўмаклашиш, ўртоқлари муваффақиятидан хурсанд бўлиш каби яхши муносабатларнинг таркиб топишига софдиллик, ростўйлик каби ижобий хислатлар шаклланишига ёрдам беради. Дидактик ўйинлар болаларнинг ақлий фаолиятларини кучайтиради, болалар машғулотларда олган билимларидан фойдаланадилар. Дидактик ўйинлар болаларнинг амалий фаолияти саналади, олган билимларидан ҳар хил усулда фойдаланишлари учун ҳаётий шароит яратиб беради [3, Б. 128,129].

Таълимий ўйинлар вазиятли, мусобақали, ритмик-музыкали ва бадиий турларга бўлинади. Жумладан, **“Мушук-мушук”** ўйини қуйидагича ташкил этилади. Бу ўйин рангларни такрорлаш учун қўлланилади. Бошловчи «мушук» болаларга орқа ўгириб туради. Болалар: «Cat, Cat» дея чакирадилар. Мушук «Миёв, миёв» деб жавоб беради. Болалар: «What colour do you like?» дея сўрайдилар. Мушук: «I like yellow» деб жавоб беради ва шу заҳоти болаларга қараб ўгирилади. Болалар эса у айтган рангни топиш ва унга қўл теккизиши учун мушукдан қочишади. Рангларни ҳар қаердан: кийимлардан, кубчалардан, расмлардан излаш мумкин. Керакли рангни топа олмаган болани мушук ушлаб олади ва ўша бошловчи бўлади.

Маълум ролларга бўлиниб ўйналандиган **жамоавий ўйин** болалардан қатъий қоидаларга бўйсунитиш ва айрим вазифаларни ўхшатиб бажаришни талаб этади. Бундай ўйинлар болаларда ирода кучларини ҳамда қоидаларга, тартиб-интизомга бўйсунитиш каби ижобий хислатларни тарбиялайди ва ўстиради. Жумладан, **“Сакровчилар”** ўйинида ўйин бошланишидан олдин ўқитувчи сакрашни ёқтирадиган қурбака, қуён, маймун каби жониворларни эсга олишни таклиф қилади. Кейин гоҳ қурбакага, гоҳ маймунга айланиб, қуйидаги қўшиқни айтганча сакрашларини таклиф этади.

Little frog, little frog, Hop, hop, hop!

Little frog, little frog stop, stop, stop [4]!

Иккинчи куплетда «frog» ўрнига «monkey» дея айтилади, учинчи «hop» сўзидан кейин болалар сакрайдилар. Ўйинда никоблардан фойдаланиш мумкин.

Интегратив ўйинлар ҳам кенг тарқалган ўйин тури бўлиб, у иккиёқлама характерга эга. Ушбу услуб, бир томондан, болалик даврини қадрлашни ҳисобга олишга, иккинчи томондан, мактабгача ёшдаги боланинг дастлабки ўқув фаолиятига шарт-шароитлар яратишга имкон беради. Мазкур ўйин услуби болани энг яқин ривожланиш даражасига мўлжалланган бўлиб, ҳиссий ва рационал англашни бирга қўшиб олиб боришга имкон беради. Яъни, ўзаро мулоқотга киришиш ва чет тилга ўргатиш жараёнига боланинг шахс сифатида ривожланишига йўналтириладиган топшириқларни биргаликда бажариш ва ҳар турли фаолият турлари (тасвирий, музикаий-ритмик, театрлашган) интеграциясини таъминлашни кўзда тутди.

Вазиятли ўйинларга у ёки бу мавзуларга оид вазиятларни ташкил этиладиган ролли ўйинлар киради.

Улар, ўз навбатида, репродуктив характердаги ўйинларга бўлинади, бунда болалар у ёки бу вазиятларга кўра типик, стандарт диалогларни қўллайдилар. Стандарт диалоглар, масалан:

1. Show me (менга кўрсат) – устоз буюмнинг номини айтганида, бола керакли сўз тасвирланган карточка ёнига бориши ва уни кўрсатиши керак.

2. What’s this? Устоз сўзларни кўрсатади, болалар сўзларни айтишади.

3. What’s missing? (нима йўқолди?)

4. What’s doesn’t belong? (нима ортиқча?)

«Сехрли кўзгу» – мақсад: диққатни ривожлантириш. Кўзгу олдида жониворлар никобларини таққан болалар боришади. Сехрли кўзгуда бир нечта жониворлар акс этади. Болалар қандай ҳайвонларни кўришгани ва улар нечталигини айтиб беришлари керак. Масалан: I see a dog. I see five dogs.

«Хушмуомала бўлиш» ўйини болалар диққатини машқ қилдиради. Устоз топшириқ бераётганда «please» деган сўзни қўшиб қўяди. Лекин агар «please» деган сўз айтилмаса, ҳаракатни бажариб бўлмайди. (Please, hands up). Ўйин токи 1-2 ғолиб қолмагунигача қадар ўйналади. Дастлаб ўйнаган чоғда болаларни «please» сўзини идрок этишга машқ қилдириш керак бўлади.

Мусобақали ўйинларга лексика ва саводни эгаллашга кўмаклашувчи кўпгина ўйинлар мансуб. Уларда ким тил материални яхшироқ эгаллаган бўлса, ўша ғолиб чиқади. Бу ҳар турли бошқотирмалар, аукционлар, лингвистик топшириқлари бор стол усти босма ўйинлари, буйруқларни бажариш. Бошқотирмалар ҳар қандай мавзуларда бўлиши мумкин: жониворлар, мевалар, сабзавотлар, мебель, ўйинчоқлар ва ҳ. буйруқлар ҳам турлича бўлиши мумкин. Масалан, **«Who is the first»** ўйини:

Ўйинчоқ ўрнига худди шу жониворлар расмлари қўлланилади. Расмларни ерга сочиб қўйилади. Ўқитувчи галма галдан ҳар хил жонивор ўйинчоқни қўлида ушлаб туриб, болалардан биргаликда номини айтиш сўралади.

T: “cow, cow, cow”

Ss: “cow, cow, cow”

T: "And a cow says Moo. Moo, moo, moo"

Ss: "Moo, moo, moo"

Сўнг ердаги қайси расмли карточка cow деб сўралади. Болалар расмини чаққонлик билан топиб кўрсатадилар. Ким биринчи бўлиб топса, ўша расм устига ўйинчоқ сигирни жойлайди. Шу тарика ҳамма жониворларга ёки бошқа предметларга қўлланилади.

Ритм-мусикий ўйинлар – бу ҳар турли анъанавий даврага тизилиб қўшиқ айтиб ўйналадиган, шерик танлаб рақсга тушиладиган ўйинлар, улар нафақат коммуникатив билимларни эгаллашга кўмаклашади, балки нутқнинг фонетик ва ритм-мусикий куйли томонларини мукаммаллаштириш ва тил руҳига киришишга ёрдам беради, масалан: Nuts and May, "What's your name", "I like my friends", "Head, shoulders, knees and toes" ва б.

Бадий ёки ижодий ўйинлар – бу ўйин ва бадий ижодиёт чегарасида турган фаолият тури, унга томон йўлини бола ўйин орқали танлайди. Бундай ўйинларни ўз навбатида куйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Саҳналаштирилган ўйинлар (яъни, инглиз тилида кичик саҳналарни саҳналаштириш) «Ўрмонда» – масалан: ўрмонда тулки билан айиқ учрашиб қолишади ва кичкина диалог ўйналади (Hello! I'm fox. I can run. I like fish); «Қизил Шапкача» ва бошқалар.

2. Тасвирий ўйинлар. График диктант, расмларни бўяб чиқиш ва ҳ. Расмларни бўяш, бу тинчлантирувчи, ҳар доим ҳам мазмунли бўлмаса ҳам, жуда кенг тарқалган машғулот. Масалан, тайёр расмни кўрсатиш мумкин. То бола расм устидан қалам юргизаркан, устоз сўзни кўп марталаб такрорлайди, тафсилотларини айтади. Шу тарзда гўё бола ўзи бажарган иш номини ўзлаштириб олади. График диктант – масалан: машғулотларда болаларга нима қандай рангдалиги айтилади, болалар бўяйдилар, кейин эса ҳосил бўлган тасвирларни устоз кўрсатган тасвир билан таққослайдилар.

3. Сўз-ижодий (кичик эртакларни жамоа бўлиб ўйлаб топиш, қофияларни танлаш), масалан:

Олдга-ортга ва юқоридан-пастга

Паста билан юваман ...(teeth – тишимни)

Ширин таъм сезганимдан,

Ялайвердим ўз ...(lip – лабимни) ва ҳ.

Импровизацияли вазиятли ўйинлар билан ижодий саҳналаштириш чегарасида маълум

эртак мавзуси бўйича импровизация сингари фаолият мавжуд. Масалан, *Шолғом* ёхуд *Уйча* ўйинларида ўйнайдиганлар микдори ва янги лексика ўзлаштирилишига боғлиқ равишда янги қаҳрамонлар ва уларнинг сўзлари пайдо бўлади.

Ўйинни ўйлаб топиш, танлаш ёки машғулотга киритиш учун куйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

1. Ўйинга киришишдан аввал куйидаги саволларга жавоб бериш керак: ўйин мақсади қандай, унда бола нимага ўрганиши керак? У қандай нутқий ҳаракатни бажариши зарур? Бола бундай сўзлай оладими, унда бошқа қийинчиликлар йўқми?

2. Шу саволларга жавоб бергач, педагог ўзини болани ўрнига қўйиб кўриши лозим ва қандай қизиқ вазиятда мазкур модел бўйича гапира олиш мумкинлигини ўйлаб кўриш керак бўлади.

3. Болага ушбу вазиятни қандай тарзда тасвирлаб берилса, у дарҳол уни қабул қилиши ҳақида ўйлаб кўриш керак.

4. Бола билан бажонидил ўйнаш керак!

Ўйин таълим берадиган бўлиши керак ва у ўйин бўлиши даркор.

Асосий ёндашув — интегратив-ўйин усули бўлиб, у мазкур икки тарафлама характерга эга. Бундай ўйинлар, бир томондан, болалик даврини қадрлашни билишга, ёрдамлашса, иккинчи томондан, мактабгача ёшдаги боланинг дастлабки ўқув фаолияти учун шарт-шароит яратишга хизмат қилади. Интегратив-ўйин усули боланинг яқин ривожланиш даврига мўлжалланган бўлиб, ҳиссий ва рационал англашни муваффақиятли равишда бирга қўшиб олиб боришга имкон беради. Ўзаро муносабатлар жараёнида бевосита ифодаланадиган ва хорижий тилни ўргатиш жараёнида болаларнинг ривожланишига қаратилган топшириқларни ҳамкорликда бажаришга қаратилган бола фаолиятининг турли хил кўринишларини (тасвирий, мусикий-ритмик, театрлаштирилган) интегратив намоён қилишни кўзда тутати.

Муаммоли вазиятли ўйинлар. Ушбу ўйинларнинг ўзига хос томони болада фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни намоён қилишга шарт-шароит яратади. Бундай ўйинлардан чет тил ўргатишда ҳам фойдаланиш яхши самара беради.

Ўйинда муаммоли вазиятларни ҳал этиш намуналарини келтириб ўтамиз.

«*Think and say*» ўйини. Ўқитувчи болаларга қайси буюмлар у номини айтган ҳаракатларни бажариши мумкинлигини ўйлаб топишлари ва айтишларини таклиф этади. Масалан, агар «fly» феъли айтилса, жавоблар қуйидагича бўлиши мумкин: a bird, a butterfly, a cloud, a snowflake, шунингдек my house, my fingers ва ҳ.

Демак, ўйин нафақат тилга ўргатиш, балки боланинг ўзлигини намоён қилиш, қизиқишларини, қобилиятини юзага чиқариш воситаси ҳамдир. Шу боис бу жараёнда тарбиячиларнинг барча болаларни ўйиннинг фаол иштирокчисига айлантириш, ҳеч бирини четда қолдирмасликка эътибор қаратиши ниҳоятда муҳимдир. Жуда кўп машҳур шахслар касб танлашида, келажакда эришган ютуқларида болалигидаги қизиқишлари, мана шундай саҳналаштирилган ўйинда кимдир бўлиб ўйнаган роли, боғча опасининг уни қандай қилиб ўртага олиб чиққанини хотирлаб, шундай ўйинлар унинг ҳаётида катта из қолдирганини алоҳида таъкидлаб гапирадилар.

Мактабгача ёшдаги бола учун ўйин ва машқ бир хилдаги жараён ҳисобланади. Жумладан, бола она тилидаги қийинроқ сўзларни талаффуз этишни машқ қиларкан, ўз ҳаракатлари натижаларини англаш мақсадида, катталар ёнига бориб, ўша сўзни гапда ишлатади. Агар катта одам болага унинг хатосини кўрсатмай, фақат бу жумлани тўғри шаклини такрорласа, у нарироққа боргач, бу сўзни ўзича секин қайтаради. Бундай вазиятларда катталар бироз эътиборлироқ бўлишса, болаларнинг талаффуздаги қийинчиликларни енгиб ўтиши осонроқ кечади.

Болага тил ўргатаётган одам тўғри нутқ намунаси бўлиши керак. Японларнинг таъбирича, энг содда скрипка пьесасини ҳам энг уста чолғувчи чалиши зарур. Тил ўргатишда ҳам энг муҳим омил – бу таълим олувчиларнинг ўзлари истаганча таклид қилишлари мумкин бўлган тайёр билим намунасига эга бўлишдир [1, С.125]. Нутқ қолиплари ҳам ана шундай билимлар сирасига киради ва улардан самарали фойдаланиш керак бўлади. Хусусан, мактабгача ёшдаги болаларни инглиз тилига ўргатиш жараёнида мазкур ўзига хос хусусиятдан фойдаланишнинг аҳамияти катта.

Чет тилни эрта ўргатишнинг асосий омилларидан бири – таълимнинг ўйин асосини кенг таъминлаш, ўйиндан ўқув масалаларини ҳал этишда мотивациянинг асосий манбаи сифатида фойдаланиш ҳисобланади. Шу боис хорижий тиллар мутахассислари ўйинни боланинг билиш жараёнида энг самарали воситаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Лексик ўйинлар луғатга киритилган сўзларнинг маъносини яхшироқ тушуниш, уларни мустаҳкамлаш ва фаоллаштиришга ёрдам беради. Ўйин жараёнида кичкинтойларнинг сўз бойлиги ортиб боради ва улар янги киритилган сўзларни ўзлаштирилган сўзлар билан боғлаб, уларни нутқда қўллашга ўрганадилар [2, Б.8].

Биз луғат ўстириш бўйича, ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўргатишда сўз маъносини тўғри ўзлаштириб олишида катта ўрин тутишини назарда тутган ҳолда, бир нечта лексик ўйинлар гуруҳини ажратиб олдик. Жумладан, «*Мос келганини топ*» ўйини қуйидагича ташкил этилади: Болага коптокни отиб, бирон мева номи айтилади ва боладан унинг рангини топиб айтиб бериш сўралади. Масалан:

Lemon is yellow (лимон – сариқ)

Apple is green (олма – яшил)

Cherry is red (олча – қизил)

«*Овозидан топ*» ўйинида эса боладан бирон ҳайвоннинг товуши орқали унинг расмини топиш ва инглизча номини айтиш сўралади:

Масалан: му му деса, бола сигирнинг номини инглиз тилида айтиши (*a cow* дейиши) ва унинг расмини кўрсатиши керак.

Кўпгина нутқни машқ қилдирувчи ўйинлар копток билан ўйналади. Жумладан, «*Овозидан топ*» ўйинининг акси бўлмиш «*Овозини топ*» ўйини ҳам копток билан ўйналади. Бу ўйинда ҳар бир болага коптокни галма-гал отади ва ўқитувчи айтган ҳайвоннинг номига мос товуш чиқариши сўралади. Масалан: a cow – тоо-тоо, a cat – муао-муао; каби.

Бу каби ўйинлар ҳар бир болага индивидуал ёндашишга, болаларда нафақат топқирликни ривожлантиришга балки боланинг инглиз тилида нутқни қай даражада идрок қилаётганини ҳам кузатиб бориш имконини беради.

Фонетик, лексик ва грамматик ўйинларни уларнинг ўйналиш усулига кўра *машқ қилдирувчи* ва *аналитик ўйинлар* турларига

бўлиш мумкин. Аналитик ўйинлар бирон ҳаракатни, ҳаракатда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг сифатларини билдирадиган сўзларни ажратиб олишни кўзда тутди. Масалан, *“Fly-fly” “уч-уч” ўйинида* болалар ўқитувчи томонидан чалғитилади, болалар эса буни тезда фаҳмлаб унга жавоб қайтаришлари керак бўлади. Ўйиннинг мақсади таниш сўзларни такрорлаш ва болалар диққатини машқ қилдириш.

Ўқитувчи: Fly-fly-fly-elephants fly

Болалар: No

Ўқитувчи: Fly-fly-fly-birds fly

Болалар: Fly-fly-fly дея қўлларини силкитадилар

Ўйинни jump, swim, run ҳаракат феъллари билан давом эттириш мумкин.

Хорижий тилга ўргатиш машғулотларида **сахналаштирувчи ўйинлар** ёки **театрлаштирилган ўйин** ўйнатиш мумкин. Болалар эртақ қаҳрамонларини жон деб тасвирлаб, уларнинг ролини ижро этадилар. Эртақларнинг сахналаштирилиши, рақсга мос қўшиқлар, шеърлар, миллий болалар фольклоридан санамаларнинг ижро этилиши болалар луғат бойлигини ошириш билан бирга, уларга ўзгалар маданияти оламини очади. Бундан ташқари, театрлаштирилган ўйинлар болаларнинг эстетик ва ҳиссий сезгиларини шакллантиради. Болалар ўз қаҳрамонларини ўйин тарзида тасвирлар эканлар, уларнинг асосий белгилари – меҳрибонлиги, айёрлиги, очкўзлиги, ҳимматлилиги ва бошқаларни ифодалаб берадилар. Бу ўйин турини ўтказишдан олдин болаларга ифодали ўқиб берилади, расмлари кўрсатилиб, тушунтирилиб, муҳокама қилинади. Аввал айрим фрагментларгина ўйналади, болалар қаҳрамонларнинг сўзларини қўғирчоқлар, ўйинчоқлар, қўлқоп-хайвончалардан фойдаланиб ижро этадилар.

Театрлаштирилган ўйинлар – болалар ва тарбиячиларнинг биргаликдаги фаолиятининг мураккаб туридир. Ўйиннинг айнан мана шу тури мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва эмоционал ўзига хосликларига мос бўлиб, хорижий тилни яхшироқ ўзлаштиришларига катта ёрдам беради.

Бола ўйнаётиб, ўқув масаласини ўз олдига қўймайди, аммо ўйин натижасида ўқув мақсади амалга ошади. Болалар янгиликка, янги нарсаларни ўрганишга ўта

қизиқувчан бўладилар. Ҳатто илонни ҳам ўз қўли билан ушлаб кўришга интилади. Ўйин орқали ўша ролга кириш, ўрганишнинг энг самарали йўлларида бири ҳисобланади, ундан фойдаланиш чет тили фани мактабгача ёшдаги болаларнинг энг яхши кўрган фанига айлантиради. Ўйинлар қизиқарли, оддий ва жонли бўлиши ўзга тил материаллари йиғилиши ҳамда илгари олган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

ХУЛОСА

Демак, тилларни ўргатишда ҳам ўйин мактабгача ёшдаги болаларга етакчи фаолият тури ҳисобланади. Шу боис тил ўргатиш машғулотларига ҳар хил ўйинлар асосида ташкил этиш таълим самарадорлигини оширади. Хусусан, мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўргатишда сўз ўйинлари, дидактик, ҳаракатли, мусиқий, мазмунли-ролли, сахналаштирилган ўйинлар каби турли ўйинлардан фойдаланиш уларнинг яхши самара беришини кўрсатди. Буларнинг ҳар бири лексикани фаоллаштириш учун мос бўлиб, улар воситасида боланинг монологик боғланишли нутқини ривожлантириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг нутқини ўстириш, хусусан, уларнинг инглиз тилидаги луғат бойлигини шакллантириб боришда ўйин технологияларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти катта.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Утекина А. Н. Иностранный язык в дошкольном возрасте. Теория и практика. «Флинта», «Наука». – М.: 2017. – С.125
2. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги русийзабон болаларни ўзбекча сўзлашишга ўргатиш. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б.8.
3. Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси. – Т.: 2008. – Б. 128,129.
4. <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-93750-1.html?page=5>